

# **Термиз туманида “Яшил макон” умуммиллий лойихаси ижроси**



Хабар бериб борилаётганидек, туманимизда “Долзарб 40 кунлик” давомида 405 минг дараҳт күчатлари экиш режа қилинганд. Бугунги кунда ушбу режага мувофиқ кунлик кузги дараҳт ва бута күчатларини экиш ишлари олиб борилаётган бўлиб, бу борада маҳаллалар ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

Аҳоли хонадонлари, маҳалла ички кўчалари ёқаси, бўш майдонлари ва маҳалла бинолари атрофида турли дараҳт, бута ва гул кўчатлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, кўчатлар етиштириш мақсадида айрим дараҳт турларининг қаламчаларини кўпайтириш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бунда асосан оқтерак ва бошқа қаламчалардан кўкарадиган дараҳт турларидан кўчат етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган.